

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11076461>

Хушбоқова Нигора Ғайрат қизи

Термиз давлат университети Юридик факультети
Юриспруденция таълим йўналиши 4-босқич талабаси

Nigora.0303@icloud.com

Аннотация

Уишу мақолада прокуратура органлари томонидан жиноятларни тергов қилиши, терговга тегишиликни аниқлаш, дастлабки тергов прокуратура органлари терговчилари, ҳарбий прокуратура терговчилари, иш қўзғатган дастлабки тергов органлари томонидан олиб бориладиган жиноятлар, бир дастлабки тергов органидан бошқа тергов организа ўтказиш масалалари, тергов органларининг асосий вазифалари, терговчи ва судьяларнинг мустақиллиги, жиноятларни тергов қилишида прокурор ваколатлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар

дастлабки тергов, суроштирув, қўшимча тергов, мансабдор шахс, ҳарбий прокуратура, зарар, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, қамоқча олиш, уй қамоғи, тергов аппарати, тақиқ, амнистия, эксламация, паспорт, .

Барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва ахолининг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш, қонунийлик ва ҳуқук тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар хурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди.

Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берган Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида» ги Конунининг 4-моддасида прокуратура органлари томонидан жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш назарда тутилган. Унга кўра, прокуратура органлари нафақат суроштирув ва дастлабки тергов олиб

бориши устидан прокурор назоратини ташкил этади балки ўзи ҳам жиноятлар юзасидан дастлабки терговни олиб боради.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги учта органда дастлабки терговни амалга оширишни белгилаган. Улар Прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати органлари тизимида фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 29-моддасида прокуратура органлари жиноят-процессуал қонунига биноан ўз ваколатларига берилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар юзасидан тергов ўтказадилар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси нинг 345-моддаси жиноят ишларининг терговга тегишлилиги масаласини ҳал этган.

Унга кўра, ушбу модданинг иккинчи – еттинчи қисмларида назарда тутилган жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказиши шартлиги белгиланган.

Терговга тегишлиликни аниқлаш - бу жиноят иши бўйича дастлабки терговни юритиш мажбурияти ва уни қайси терговчи олиб боришини белгилашдир. Процессуал қонунчилигига риоя қилган ҳолда прокуратура органлари бугунги кунда кўплаб жиноят ишлари юзасидан дастлабки терговни амалга ошириб, етказилган заарларни ундириш чораларини кўриб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддасига кўра, Жиноят кодексининг 97 – 1031, 108, 116, 132, 137, 141 – 149, 175-моддаларида, 177-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида, 180 – 1811-моддаларида, 184-моддаси учинчи қисмида, 1841-моддасида, 186-моддаси иккинчи-тўртинчи қисмларида, 1921 – 19211, 1971, 205-215, 218-222, 230-2302, 231-моддаларида, 232-моддаси иккинчи қисмида, 2321 – 236, 2411 – 242, 265-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек қонунда кўрсатилган айрим тоифадаги мансабдор шахсларнинг жиноятларига доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан амалга оширилади.

Жиноят кодексининг 279 – 302-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ҳарбий прокуратура терговчилари томонидан олиб борилади.

Шунингдек, Жиноят-протессуал кодексининг 345-моддасида яна қўйидаги ҳолатлар қайд этилган:

Жиноят кодексининг 130-моддаси учинчи қисмида, 167-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 178, 1863, 188, 1881, 2441, 2442-моддаларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки тергов иш қўзгатган дастлабки тергов органи томонидан амалга оширилади.

Жиноят кодекси 237 – 241-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ушбу иш қўзгатилишига сабаб бўлган жиноят қайси органнинг терговига тегишли бўлса, ўша орган томонидан олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари ёки Корақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, шунингдек уларга тенглаштирилган прокурорлар терговнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона олиб борилишини таъминлаш мақсадида жиноят ишини, терговга тегишлилик қоидаларидан қатъи назар, қуидаги ҳолларда асослантирилган қарорга биноан бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказишга ҳақли:

1) агар жиноят ишининг тергови тегишли бўлган орган жиноятни ҳисобга олишдан илгари яширган бўлса;

2) агар жиноят ишининг тергови тегишли бўлган органнинг раҳбари ёки раҳбарнинг яқин қариндоши иш юзасидан жабранувчи, гумон қилинувчи ёхуд айбланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар деб топилган бўлса;

3) айбизлиги аён бўлган шахс айбланувчи тариқасида жалб этилганда ёки қамоқقا олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида олдиндан била туриб қонунга хилоф равища илтинноснома қўзгатилганда;

4) дастлабки терговни олиб бориша қийноқка солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турлари қўлланилганда;

5) терговнинг натижаларига ва иш бўйича қонуний қарор қабул қилинишига салбий таъсир қўрсатиши мумкин бўлган тарзда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг талаблари бузилганда.

Бугунги кунда прокуратура терговчилари ўз фаолиятларида прокуратура органларининг ва бошқа органларнинг имкониятларидан фойдаланиб, ўта оғир ва мураккаб жиноятларни очмоқдалар.

Сўроқ қилиш, юзлаштириш, қўздан кечириш, гувоҳлантириш, мурдани экслуматсия қилиш, эксперимент ўтказиш, олиб қўйиш ва тинтув, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни

эшитиб туриш, эксперимент, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва бошқа тергов ҳаракатларида илмий-техника воситаларидан кенг фойдаланилади.

Терговчи илмий-техника воситаларидан фойдаланишда мутахассисларни жалб қилиши мумкин. Илмий-техника воситаларидан фойдаланиш далилларни топиш, текшириш ва ишга қўшиш учун зарур. Илмий-техника воситаларидан фойдаланган терговчи рад қилиб бўлмайдиган далилларга эга бўлади.

Дастлабки терговнинг сифати ва самарадорлиги, алоҳида жиноят ишлари терговининг муваффақияти, энг аввало, содир қилинган жиноятнинг терговчилар томонидан ўзига хос томонлари, жиноятчи ва жабрланувчиларнинг шахси ва бошқа омилларни эътиборга олган ҳолда энг тўғри ва мақбул бўлган тергов усусларининг танланиши, тергов ҳаракатларининг сифатли ва пухта тузилган режа асосида юқори малакада ва фаол ташкил этилишига боғлиқдир.

Прокуратура органлари тизимида тергов аппарати алоҳида ўрин тутади, терговчилар эса жиноятчиликка қарши курашда муҳим аҳамиятга эгадирлар. Уларнинг бутун фаолияти жиноятларни очиш, тергов қилиш ва жиноятнинг олдини олишга қаратилган. Айтиш лозимки, тергов ишининг юксак даражада бўлиши финоятларнинг олдини олишда энг самарали воситадир.

Бошқа тергов органлари каби прокуратуранинг тергов органларининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- жиноятларни тез ва тўла очиш;
- айбдорларни жавобгарликка тортиш ва жиноят ишини судда кўриб чиқиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;
- жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш ёки хукм чиқарилгандан кейин ҳақиқатда қоплаш учун зарур шароитларни яратиш;
- жиноятлар содир этилишининг сабабларини аниқлаш ва бунга ёрдам берувчи шароитларни бартараф этишга қаратилган чораларни кўриш;
- фуқароларни қонун-қоидаларга қатъий риоя этиш ҳамда ҳукуқий жиҳатдан маданиятли ва фуқаролик жамиятига садоқатли қилиб тарбиялаш.

Дастлабки терговнинг муҳим вазифаси бу жиноятни содир этган шахсни жавобгарликка тортиш ва уни судга бериш учун шарт-шароитларни яратишидир. Бу ерда биз жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортиш ҳақида эмас, балки айбсиз шахсни жавобгарликка тортмаслик ҳақида фикр билдирамиз. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида айбсиз шахсни жиноий жавобгарликка тортилмаслиги кафолатланган.

Дастлабки терговнинг яна бир вазифаси бу жиноят натижасида етказилган моддий заарни қоплаш ёки суд хукмидан кейин уни қоплаш учун керакли шарт-шароитларни яратишидир. Ўтмишда тергов идораларининг ишида жиддий камчиликларга йўл қўйилиб, жиноят натижасида етказилган моддий заарларнинг аксарият қисми амалда қопланмаган. Ҳозирги кунда терговчининг жиноят натижасида етказилган моддий заарни қоплашга қаратилган ҳаракатлари асосий фаолият йўналишидан бири ҳисобланади.

Жиноятчиликка қарши қурашишда жиддий ютукларга эришиш учун мунтазам равишда жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва уни бартараф қилиш чораларини кўриш лозим.

Дастлабки терговнинг алоҳида вазифаси бу фуқароларни қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялашидир.

Терговчининг тарбиявий фаолияти икки турдаги хусусиятга эга. Бир томондан айбланувчининг руҳий ҳолатини ва одатларини ижобий тарафга ўзгартириш учун таъсир қилиш, қонунга хилоф ҳаракатларини ўзи англашига ҳамда тузалиш ва ижтимоий фойдали меҳнат қилишга, қонунлар, ахлоқ ва одобга риоя этиш лозимлигини тушуниб этишига ёрдам бериш керак. Иккинчи томондан терговнинг юритилиши қолган фуқароларга ижобий таъсир кўрсатиб, қонунга бўлган ҳурмат, эътиқод, ҳуқук-тартибот ишларининг мустаҳкамлиги, жиноят иши очилмай қолмаслиги ва уларнинг ҳуқуқлари дахлсизлигига ишонч уйғотиш лозим.

Терговчининг мустақиллиги судяларнинг мустақиллигидан фарқ қиласи. Терговчига эса прокурор жиноят ишидаги ҳар қандай масала бўйича кўрсатмалар беради ва бу терговчи учун мажбурийдир. Лекин, бу кўрсатмалар икки шарт асосида мажбурий ҳисобланади. Биринчидан, прокурорнинг кўрсатмалари факат ёзма равишида берилган бўлса, терговчи учун мажбурий (ЖПКнинг 37-моддаси 3-қисми, 382-моддаси 3, 4-қисмлари).

Иккинчидан, ЖПКнинг 36-моддаси 3-қисмига асосан терговчи прокурорнинг:

- 1) шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги;
- 2) жиноятни тавсиф қилиш;
- 3) айблок ҳажмини белгилаш;
- 4) эҳтиёт чораси сифатида қамоқقا олиш;

5) ишни судга юбориш ёки ишни тугатиш ҳақидаги кўрсатмаларига рози бўлмаса, ўз эътирозларини ёзма равишда баён қилган ҳолда ишни юқори турувчи прокурорга тақдим этишга ҳақлидир.

Қонуннинг бу талабига оғишмай риоя этиш терговчининг ҳақиқатан ҳам эркин ва мустақил бўлишини кафолатлайди. Терговчи прокурор кўрсатмаларининг техник ижрочиси эмас, у мустақил процессуал шахс, у қонун билан ҳукуқ ва мажбуриятлар юклатилган жиноят процессуал фаолиятининг мустақил субъектидир.

Суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини юритишида қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат прокурор томонидан амалга оширилади.

Жиноят содир этилгани тўғрисидаги ариза ва хабарларни кўриш ҳамда ҳал қилиш, текширишни амалга оширишнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартиби, чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қонунларнинг ижро этилиши устидан олиб борадиган назоратининг соҳасидир.

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириб, прокурор ўз ваколати доирасида:

□ суриштирув ва дастлабки тергов органларидан ҳамда терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органлардан ишларни текшириш учун, содир этилган жиноятларга оид тезкор-қидириув, суриштирув, дастлабки тергов ишларининг боришига доир ҳужжатларни, материалларни ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади; содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганигини хар ой камида бир марта текширади;

□ суриштирувчилар ва терговчиларнинг шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қиласи;

□ жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, уй қамоги бўйича кўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш ҳақида илтимоснома кўзғатиш жиноят тавсифини белгилаш, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини

бажариш ва жиноят содир этган шахсларни қидириш тұғрисида ёзма күрсатмалар беради;

□ қамоққа олиш ёки уй қамоги тарзидаги әхтиёт чорасини құллаш ёхуд уй қамоги бүйіча құшимча такиқ (чеклов) белгилаш тұғрисида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради ёхуд қамоқда сақлаб туриш ёки уй қамоги муддатини узайтириш тұғрисида судга илтимоснома киритади;

□ айбланувчини лавозимидан четлаштириш тұғрисида, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради ёхуд айбланувчининг тиббий муассасада бұлиши муддатини узайтириш тұғрисида судга илтимоснома киритади;

□ амнистия актига асосан жиноят ишини құзғатиши ради қилиш ҳақида ёки жиноят ишини тугатиши тұғрисида судга илтимоснома киритади;

□ мурдани эксгумация қилиш тұғрисида, почета-телеграф жұнатмаларини хатлаш тұғрисида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради;

□ паспортнинг (харакатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тұхтатиб туриш тұғрисида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради;

□ гувохларнинг ва жабрланувчиларнинг (фуқаровий даъвогарнинг) күрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тұғрисида судга илтимоснома киритади;

□ гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан айбга иқрорлик тұғрисида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида белгиланған тартибда келишув тузади;

□ терговга қадар текширувни ёки тезкор-қиди्रув фаолиятини амалга оширувчи органларга шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, қидириш ҳақидаги қарорлар, суднинг қамоққа олиш ёки уй қамоги тарзидаги әхтиёт чорасини құллаш тұғрисидаги ажримини ижро этишни, шунингдек прокурор ёки прокуратура терговчиси юритувидағи ишлар юзасидан жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чораларни күриш тұғрисида күрсатмалар беради;

□ суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда, ушбу Кодекста мувоғиқ ҳар қандай иш бүйіча айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки терговни тұлық амалга оширади;

□ тинтуб үтказишига, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сұзлашувларни эшитиб туришга

ҳамда улар орқали узатиладиган ахборотни олишга, уй-жой дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ҳамда бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарлари сир сақланиши ҳукуқларини чекловчи ҳамда абонентлар ёки абонент курилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақида ахборот олишга қаратилган тезкор-кидирув тадбирларини ўтказишга, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг ҳамда терговчининг бошқа харакатларига рухsat беради;

- дастлабки тергов ва суриштирув муддатларини ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда узайтиради;
- ишларни суриштирув ва дастлабки тергов органларига қўшимча тергов ўтказиш тўғрисидаги ўз кўрсатмалари билан қайтаради;
- жиноят ишини прокуратуранинг бир терговчисидан бошқасига, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида белгиланган ҳолларда ва тартибда эса, бир дастлабки тергов ва суриштирув органидан бошқа дастлабки тергов ва суриштирув органига ўтказади;
- суриштирувчини ёки терговчини, башарти улар ишнинг тергови чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлсалар, суриштирув ёхуд дастлабки тергов ишларини давом эттиришдан четлатади;
- жиноят ишлари қўзгатади ёки уларни қўзғатишини рад этади, ишларни тугатади ёхуд юритилишини тўхтатади; қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчи ёки суриштирувчининг ишни тугатишига розилик беради; айблов хулосаси, айблов далолатномаси ёки қарорини тасдиқлайди, ишларни судга юборади.

Прокурорнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибга мувофиқ суриштирув ва дастлабки тергов органларига ҳамда терговга қадар текширувни ёки тезкор-кидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга терговга қадар текшириш ўтказиш, ишларни қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган кўрсатмалари ана шу органлар учун мажбурийдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон. 1998. 16-6;

2. Ӯзбекистон Республикасининг “Прокуратура тұғрисида”ги Қонуни.

Тошкент ш, 2001-йил 29-август, 257-II-сон.

<https://lex.uz/docs/106197>;

3. Ӯзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. (2022-йил 1-июнгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Ӯзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари милий базаси (расмий манба) асосида. Тошкент “Yuridik adabiyotlar publish” 2022

<https://lex.uz/docs/111460>.